



Ижтимоий-сиёсий газета

№ 100 (1426), 2025 йил 17 май, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЕНГРИЯ ВА СЛОВЕНИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

19-22 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия ва Словения Республикасига расмий ташрифлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон етакчиси Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан 19 май куни Будапештга келади.

Олий даражадаги музокаралар, Венгрия расмийлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Кун тартибидан икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Мамлакатимиз раҳбари 21 май кунни Венгрия пойтахтида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёев 22 май куни Любляна шаҳрида

Словения Президенти Наташа Пирц Мусар билан учрашади, ушбу мамлакат парламенти ва ҳукумати раҳбарияти билан музокаралар ўтказиши, қўшма ишбилармонлик тадбирларида иштирок этади.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, фармацевтика, саноат, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик қилиш ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19-21 май кунлари расмий ташриф билан Венгрияда бўлади. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Туркий давлатлар ташкилотининг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий саммитида иштирок этади.



Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида дипломатик муносабатлар мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кўп ўтмай, яъни 1992 йил март ойида ўрнатилган. Ўшандан бери икки томонлама муносабатлар расмий ўзаро

ҳамкорликдан конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни йўлга қўйишгача бўлган муҳим эволюцияни бошидан кечирди.

► Давоми 2-бетда

Муносабат ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ ЮРТДА ҚАҚРАМОНЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ



Янги Ўзбекистон ҳаётида яна бир тарихий воқеа содир бўлди. Ғалаба боғида “Миллат фидойилари” монументи барпо этилди. Ушбу монументда 196 нафар марҳум ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номи зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

Инсон қадр топса, кўнглида розилик туйғуси жўш уради. Ана шу мамнулик, кўнглидаги ёруғ туйғулар инсонни олға бошлайдиган қудратдир. Шу маънода, янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланиши бежиз эмас. Ахир биз аниқ режа асосида ёруғ келажак —

Учинчи Ренессанс сари дадил одимляяимиз. Буни бутун орта қайтмас тус олган сиёсий ирода, мамлакатимиздаги туб ислохотлар ҳам исботлаб турибди.

Аммо бу йўл осон бўлмаслигини ҳам, мақсадга эришиш машаққатли меҳнат талаб этишини ҳам

яхши англаймиз. Зеро, юксак тараққиётга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Бугунги таҳликали даврда бу икки ҳисса хушёрликни, оқиллик билан иш тутишни талаб этади.

► Давоми 2-бетда

УМУМБАШАРИЙ МАДАНИЯТ ҲОДИСАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОҲИЯТИ — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТУРИЗМ ФАЛСАФАСИ

Туризм кишининг ўз дунёси деворларидан ташқарига чиқиш, номаълум нарсалар томон ҳаракатланиш зарурати бўлиб, у зиёрат қилиш амалиётидан ўсиб боради, илдизи эса саёҳатга эҳтиёжнинг қадим шаклларида бориб тақалади.




одамларнинг қадриятлари ҳақидаги ғояларни бирлаштириш, ранг олиб кирди. Турли ҳаётини вазиятлар тенглигини тан олиш, шахсий эркинлик ва умумий масъулият қадриятларининг уйғунлиги тамойилларига асосланиб, сайр этиш умумбашарий маданият асосларини ташкил қилди — инсоний муносабатларнинг энг тоза демократик шакли сифатида у ушбу жараёнга ўз ҳиссасини қўшди.

Демак, туризмини умуминсоний маданият ҳодисаси, инсоннинг ўзини ўзи англаш воситаларидан бири, десак адашмаган бўламиз. Бизнингча, унинг

ўзига хослиги муайян вақт билан чекланган жараён эканида, яъни у одамларнинг яшаш тарзини доимий равишда ўзгартириш имконияти билан боғлиқ эмас. Саёҳатга эҳтиёж шахс шаклланишининг ўтиш босқичларида, у бирмунча вақт бир хил кунларидан ташқарига чиқишда, ғайриоддий вазиятга тушиб қолишга ақдан интилганда пайдо бўлади. Кейин олинган тажриба билан ўша шахс ўз ривожланишининг янги босқичида энди ҳаётини бойитадиган муҳитга қайтади.

► Давоми 3-бетда



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Мустақиллик йилларида ҳалок бўлган
ватан ўғлонлари хотирасига

Сирожиiddин САЙИДИ,
Ўзбекистон халқ шоири

Мустақиллик йилларида
қурбон бўлган ўғлонлар,
“Қурбон бўлган” дегим келмас,
қўрғон бўлган ўғлонлар.
Эл тинчию омонлиги,
эрк-саодат йўлида,
Ватан учун, миллат учун
қалқон бўлган ўғлонлар.

Гар Ватанга айланмаса,
ундай кўнгил кўнгилмас,
“Ҳалок бўлган” деган сўзга
кўнгиллар ҳеч кўнликмас.
“Ҳалок бўлган” дегим келмас,
бу ўғлонлар ўлганмас,
Шудринг бўлган, шамол бўлган,
осмон бўлган ўғлонлар.

Ҳар боласи хушёр юртда
қораймас ҳеч қуёшлар,
Юзларига шом пардасин
тортмайин тоғу тошлар.
Ота уйда лаганларда
қолди сузилган ошлар,
Насибаси тирикларга
армон бўлган ўғлонлар.

Жаҳолатга қабоҳатга
тик бордингиз бериб жон,
Номингизни ёд айлар ҳар қўча,
ҳар бир хиебон.
Саҳарлари самолардан
мўлтирайсиз нигорон,
Осмонларда зор-ингизор
Чўлпон бўлган ўғлонлар.

Бировлари чимилдиққа
кириб ҳам улгурмаган,
Бировлари ёр кўзига
тўйиб ҳам термулмаган.
Бировлари фарзанд кўриб,
ўғил тўйлар қилмаган,
Ўз юртига қошу кўзу
мижгон бўлган ўғлонлар.

Бировингиз — Жалолиддин,
Бобурсиз бировингиз,
Тирикликдан сўролмасдан
ҳали дил сўровингиз.

Бурч-садоқат сарҳадида
жонингиз — гаровингиз,
Бурч йўлида жисму жони
ўлпон бўлган ўғлонлар.

Сиз барҳаёт ўғлонларсиз,
сиз ҳеч қачон ўлмаган,
Ўн саккизга, йигирмага,
ўттизга ҳам тўлмаган,
Бу ҳаётда ўн гулидан
бир гули ҳам сўлмаган,
Ному ёди мангу боғу
бўстон бўлган ўғлонлар.

Ул “Иккинчи жаҳон...” деган
урушда нолам кетган,
Менинг беш юз минг лоламу
беш юз минг болам кетган.
Ҳар бир кетган болам билан
бир буюк олам кетган,
Қўрғошинзор кўкси рўйи
жаҳон бўлган ўғлонлар.

Жоним болам, бу менинг ҳам
фарзимдир, ҳам қарзимдир,
Айни пайтда фарзандларга
мактубим дил арзимдир.
Ватан — мангу мактабимдир,
менинг мангу дарсимдир,
Умри ибрат мактабида
ирфон бўлган ўғлонлар.

Шараф бўлсин шундай умр,
шундай фидо ҳар жонга,
Ватан номи буркангайдир
абдий шараф-шонга.
Шеърлар айтсам номингиздан
Олий Бош қўмондонга,
Матонати минг бир шеър
достон бўлган ўғлонлар.

Хотиранинг ранги мовий —
зангор осмон ранглидир,
Ватан учун жон берганлар
қадри доим шонлидир.
Она Ватан байроғида
ой, юлдузлар мангудир,
Мана шундай порлок давру
даврон бўлган ўғлонлар.

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ — МИЛЛИЙ МЕДИА ДАСТУРХОНИ

Президентимиз раислигида 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бутуннинг жуда муҳим, оғриқли муаммоларидан бирига ечим берилди. Бу — болаларимизнинг маънавиятини авайлаб-асраш, зарарли ғояларга қарши ғоя билан қарши тура оладиган, болалар тилида ёзадиган, гапирадиган контент яратиши. Давлатимиз раҳбари муаммонинг туб илдизини кўрсатди.

Мактабларда маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар ўтказилмади. Лекин улар ўқийдиган, кўрадиган, эшитадиган миллий контент бўлмагани учун муайян даражада маънавий бўшлиқ юзага келаятган эди. Болаларнинг бўш вақтида завқ билан ўқийдиган, кўрадиган, эшитадиган, энг муҳими, болалар учун махсус миллий контент яратиш муаммоси ечилиди. Президент қарори билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузурида Болалар контенти ривожлантириш маркази ташкил қилинди. Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти марказга илмий-методик, технологик жиҳатдан кўмакчи бўлди.

► Давоми 5-бетда



2025 йил 17 май, 100-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz

СИЁСАТ

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бошланиши 1-бетда

2021 йил март ойда Венгрия Бош вазири Виктор Орбанининг Тошкентга таширфи якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди ва у замонавий жадал ҳамкорлик учун мустақкам пойдевор яратди. Ушбу ҳужжатда томонларнинг муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ниятлари қайд этилган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот юқори суръатда давом этмоқда. Бош вазир Виктор Орбанининг Ўзбекистонга таширфидан ташқари Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил октябр ойда Венгрияга расмий таширфи ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Олий даражадаги музокаралар якунида саноат кооперацияси ва илмий-техникавий ҳамкорликдан тортиб, академик алмашинувларгача бўлган турли йўналишларни қамраб олган 16 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. Таширф доирасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари иштирок этган Ўзбекистон — Венгрия бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди.

Ҳозир икки томонлама даражада ҳам, кўп томонлама форматларда ҳам фаол ҳамкорлик олиб боришмоқда. Давлатлараро ҳамкорлик кенг қамровли ҳуқуқий базага, жумладан, 50 дан ортиқ икки томонлама ҳужжатларга асосланган. Улардан энг муҳими инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш, илм-фан, инновациялар, қишлоқ, сув ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва юқори технологиялар соҳаларида идоралараро меморандумлар. Ҳуқуқий рўйхатга олишнинг бундай кўлами муносабатларнинг институционал асосларини мақсадли мустақкамлашдан далолат беради.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик икки давлатнинг стратегик шериклигини мустақкамлаш, сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинувларнинг институционал асосларини кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу механизм нафақат стратегик шериклик асосларини мустақкамлайди, балки тажриба алмашиш, қонунчилик ташаббусларини мувофиқлаштириш ва халқаро муаммоларга умумий ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади.

2020 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Венгрия Миллий Ассамблеясида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзаро ҳамкорликнинг бундай формати сиёсий ишонч ва шериклик барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, парламент дипломатиясидан инсонпарварлик ташаббусларини илгари суриш, академик ва ёшлар алмашинувини кўллаб-қувватлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш воситаси сифатида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда.

Икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийяртонинг Ўзбекистонга таширфи чоғида 2024-2026 йилларга мўлжалланган вазирликлараро ҳамкорлик дастури имзолангани бунинг ёрқин ифодасидир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб қолаётди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўсиши учун салмоқли салоҳиятга эга ва томонлар ўзаро савдо алоқаларини ишонч билан оширяпти. Маълумотларга кўра, мамлакатларимиз ўртасида 2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 78 миллион АҚШ долларидан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-март ойларида бу кўрсаткич 25,1 миллион долларни ташкил этиб, барқарор ўсишни кўрсатди.

Савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш жараёнида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссия фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Комиссиянинг тўққизинчи йилгилиши 2024 йилнинг май ойда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эди. Йилгилиш якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар, жумладан, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Икки томонлама келишувларни амалга ошириш, жумладан, “Ангрен” ЭИЗда Венгрия компаниялари учун Махсус саноат зонасини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. 2024 йил октябр ойда мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича инвестиция шартномаси имзоланди.

Иқтисодий мулоқотда 2021 йилда тузилган Ўзбекистон — Венгрия ишбилармонлар кенгаши ва 2022 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Венгрия тараққиёт жамғармаси фаолияти алоҳида ўрин тутди. Унинг асосий мақсади қўшма инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. 2023-2024 йиллар охирига қадар жамғарма 100 миллион евродан ортиқ ташаббусларни кўллаб-қувватлади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қишлоқ ҳўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш ва ресурсларни



бошқаришда рақамли технологияларни жорий этишга маблағ киритди.

Бугунги кунда Венгрия Ўзбекистондаги энг фаол европалик инвесторлар қаторидан жой олган. Иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари фармацевтика, агро саноат комплекси, озиқ-овқат саноати, машинасозлик, сув технологиялари бўлиб қолмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Венгрия сармояси иштирокида ташкил этилган 17 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 10 таси қўшма ва 4 таси 100 фоиз Венгрия капитали иштирокидаги корхоналардир.

Ўзбекистонда давлат банкларини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш шариоитида банк секторидagi ўзаро ҳамкорлик муҳим йўналишга айланиб бормоқда. 2022 йил декабрь ойда “OTR Bank” ва Ўзбекистон Молия вазирлиги ўртасида “Ипотекабанк”нинг 100 фоиз акцияларини Венгрия банки томонидан босқичма-босқич сотиб олиш тўғрисида битим имзоланган эди.

Сўнгги йилларда бизнес-форумлар, бизнес-миссиялар ва B2B учрашувларини ташкил этиш мунтазамлик касб этмоқда. Жумладан, Венгриянинг иқтисодий соҳа вазирилари раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар ҳар йили ўтказиладиган Тошкент халқаро инвестиция форумининг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Шунингдек, сўнгги икки йилда бир қанча йирик бизнес тадбир-

лари, жумладан, Тошкентда бизнес-форум ва Будапештда Ўзбекистон компанияларининг род-шоуси ўтказилди. Ушбу платформалар ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида барқарор алоқаларни шакллантириш, таъминот занжири ва иқтисодиётнинг реал секторида ҳамкорликни йўлга қўйишга хизмат қиялпти.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим йўналиш саналади. Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги тарихий-маданий алоқаларнинг ёрқин тимсолларида бири венгер шарқшуноси, турколог ва сайёҳи Арминий Вамбери ҳисобланади. Унинг замонавий Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди билан боглиқ илмий тадқиқот ишлари бугунги кунда ҳам давом этаётган маданиятлараро мулоқотга мустақкам замин яратди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Дебрецен университетининг таълим дастурлари, шунингдек, академик алмашинув, стажировка ва илмий тадқиқотлар бўйича лойиҳалар амалга ошириляпти. Ўзбекистонлик талабалар Венгрия олий таълим муассасалари, жумладан, Семмельweis университетидеги тиббиёт, муҳандислик ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида таҳсил олмоқда. Ҳар йили Венгрия ҳукумати “Стипендиум Хунгарикум” дастури

орқали ушбу мамлакат университетларида ўқишни давом эттириш истагида бўлган Ўзбекистонлик талабалар учун 170 та стипендия ажратади.

Маданий ташаббуслар доирасида маданият кунлари, концертлар, фотоўргазмалар ва миллий анъаналар тақдиротлари ташкил этилмоқда. Венгрия пойтахтида фаолият юритаётган Ўзбек тили ва маданияти маркази икки халқ ўртасидаги мулоқот майдонига айланган.

2020 йилда Будапештда Арминий Вамберининг ҳаёти ва саяхатларига бағишланган “Марказий Осиёда венгер дарвеш” кўргазмаси ташкил этилди. Унда олимнинг Ўзбекистон бўйлаб саяхатлари чоғида тўпланган кўлёмалар, тарихий экспонатлар, шахсий музейдан олинган буюмлар намойиш этилди. Кўргазмани 5 мингдан ортиқ киши томоша қилди ва бу Венгрияда мамлакатимиз тарихи ва маданиятига қизиқиш юқори эканини тасдиқлайди.

2024 йил октябр ойда Венгриянинг Лакителек шаҳрида буюк ўзбек шоир ва мутафаккири, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий бюсти ўрнатилди. Ушбу ёдгорлик таниқли венгер ҳайкалтароши Георгий Лантос томонидан яратилган.

2025 йил январь ойда Будапештда биринчи Ўзбек киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди. Қайд этиш жоизки, мазкур маданий

анжуман Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги маданий алоқаларни мустақкамлашда муҳим воқеага айланди. Хусусан, Венгрия жамоатчилиги замонавий ўзбек фильмларини катта қизиқиш билан кутиб олди.

Бундан ташқари, кутубхоналар, музейлар, иждодий уюшмалар ўртасидаги алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда. Венгрия ҳам туркий халқларнинг маданий меросини ўрганиш ва оммалаштиришдан манфаатдор, бу қўшма илмий ва археологик экспедицияларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Венгрия муносабатлари мувозанатли ва кўп қиррали ҳамкорлик намуналарини кўрсатиб, юксалишда давом этмоқда. Ушбу жиҳатлар жуғрофий ва тарихий тафовутлар стратегик фикрлаш, ўзаро тушуниш ва келажакка эътиборга асосланган мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйишга тўқсинлик қилмаслигини тасдиқлайди. Ҳозирги динамикани инобатга олган ҳолда, ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Венгрия ҳамкорликнинг янги босқичига қадам қўймоқда.

Венгрия 2018 йилдан буён кузатувчи мақомида бўлган Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ўзаро ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Бу иштирок Будапештда туркий давлатлар билан ақин алоқалар ўрнатиш ва минтақалараро интеграцияга ҳисса қўиш имконини берапти. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги шериклик Ўзбекистон ва Венгрияга транспорт, энергетика, рақамлаштириш, таълим ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун ноёб имкониятларни тақдим этмоқда.

Глобал ўзгаришлар ва минтақавий тузилмаларнинг роли ортиб бораётган бугунги шароитда Ўзбекистон Венгрияга Европа Иттифоқи билан алоқаларни чуқурлаштиришга қўмаклашиш ва айни пайтда туркий дунё ташаббусларини кўллаб-қувватлашга қодир шерик сифатида қарайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентининг Венгрияга бўлажак расмий таширфи эришилган келишувларни янада мустақкамлаш ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очишга хизмат қилади. Таширфининг Туркий давлатлар ташкилоти норасмий саммити доирасида ўтиши ҳам мулоқотнинг ишончли хусусияти ва мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ғамоҳанглик даражаси юқори эканини тасдиқлайди.

“Дунё” АА

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ ЮРТДА ҚАҲРАМОНЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

Муносабат

Бошланиши 1-бетда

Илло, ҳозир халқимиз айтганидай, етти эмас, етмиш марта ўлчаб кесиш зарурати пайдо бўлди. Бундай пайтда ёшларни ҳар жиҳатдан етук, ватанпарвар қилиб тарбиялаш ягона тўғри йўлди. Шу боис, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, шу орқали ёшларни қомил инсон қилиб тарбиялашга қаратилётган ишларни фахр билан эътироф этиш зарур.

Давлатимиз раҳбари 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари иштирокидаги учрашувда, жумладан, бундай деди: “Ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадларини дахлсиз сақлаш, бугунги тинч ва оқсоқиллар ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳам бизнинг қаҳрамонларимиз. Улар биз учун ҳамиша барҳаётдир. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз мустақил Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай қаҳрамонлари борлигини билиши ва уларни ҳеч қачон унутмаслиги зарур”.

Қуйида ватанимизнинг ана шундай жасоратли ўғлонлари оила аъзоларининг дил сўзлари билан танишасиз.



ОНАМ ШУ КУНЛАРНИ ОРЗУ ҚИЛИБ ЎТДИ

Кўпчилик учун бу гапларим шунчаки муболағадек туюлиши мумкин. Аслида, бу ҳол ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Илоҳим, юртимиз тинч, ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин. Лекин ичимдаги тошиб турган туғённинг ёзмасдан туролмадим. Ишонасизми, яқиндагина давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини байрами муносабати билан билдирган фикрларини эшитиб, кўзимдаги ёшни тўхтата олмадим.

Айниқса, “Миллат фидойилари” монументи барпо этилганидан хабар топиб, кўнглим анча таскин топди. Унда менинг шероҳат укамнинг ҳам номи қайд этилган. Президентимиз “Бу масканда номлари қайд этилган баҳодирларимиз жасорати, номлари ва хотираси эл-юртимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди”, дея таъкидлади. Демак, укам Отабек Муҳаммадиевнинг хотираси мангу қолади. Шу кунларни отам ва онам кўра-нида қани эди... Афсус, ўтиб кетишди.

Ўзим ҳам ҳарбий хизматдан нафақага чиққанман. Ўша кунини ҳеч ёдимдан чиқмайди. Укам ҳарбийда ишлаётганига 5-6 йил бўлиб қолганди. Яхши ният билан тўй қилиб, уйлантириш ҳаракатига тушдик. У ёзда таътилга чиқиб келди. Шу орада тезлаштириб тўйини ўтказдик. Ҳали таътилга бир оз вақт бор эди. Иш жойидан чақирув қозони келиб қолди. Ёш кўвнини ўзим кузатиб юбордим. Афсуски, орадан бир ой вақт ўтмасдан нохуш хабар келди. Сариевнинг юрт чегараси дахлсизлигини таъминлаш чоғида ёвуз душманлар билан олишувда қаҳрамонларча ҳалок бўлибди.

Отам билан онамга оғир бўлди. Лекин уларнинг бир юпачини бор эди. “Ўғлимиз юрт ҳимояси, бизнинг тинчлигимиз учун жон берди”, дея таскин топарди. Она барибир она экан-да. Фарзандининг хотирасини абадийлаштириш учун қирмаган идораси қолмади. “Ҳали кун келиб, боламнинг катта жойларда хотираси абадийлаштирилади. Қаҳрамоним ҳеч

қачон унутилмайди”, деб бот-бот такрорларди. Ўзи бош бўлиб укам ўқиган мактабда кичик музей ташкил қилганди. Ўша пайтлар онам йўқлаб тургани учунгина мактабда хотира кечаси ўтказиб туришарди...

Президентимизнинг ўша кунги ҳар бир гапи юрагимга ўрнашди. Шундан сўнг бу юртда ҳеч ким, ҳеч қачон унутилмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Онам айтгани бежиз эмас экан.

“Ҳозир бир укам ва ўғлим ҳарбий хизматчи. Шукри, тинч ва осуда юртимиз дахлсизлигини сақлашда ўз вазифасини бажармоқда. Ватанга хизмат барчамиз учун фахр. Давлатимиз раҳбари айтганидек, укам Отабек каби қаҳрамонлар ҳеч қачон унутилмайди. Агар онам ҳаёт бўлганида, Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирган, қувончдан юраги халқимизга бўларди.

Озод МУҲАММАДИЕВ
Кутуб тумани

ОТАМ КАБИ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ХОТИРАСИ АБАДИЙЛАШТИРИЛГАНИДАН МИННАТДОРМИЗ

Ҳар доим ишхонамга қираверишдаги фойеда Президентимизнинг “Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида юртимиз озодлиги, халқимизнинг бугунги тинч ва оқсоқиллар ҳаётини таъминлаш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир”, дея зарҳал харфларда ёзилган фикрлари эътиборимни тортади. Бу гаплар қадимни тик тутишга чоғлайди. Ҳар сафар отамни, унинг тенгсиз жасоратини эслаймиз. Кўксимда гурур пайдо бўлади.

Мағбуротда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари иштирокидаги учрашувда айтган фикрларини ўқиб, ушбу фахр, ифтихор тўғриси сира сўнмас меҳр билан сўғирилди. Президентимизнинг “Ғалаба боғи — бу ҳамиша барҳаёт қаҳрамонларимиз тимсоли, ўзлгимиз ифодаси, қандай сабот-матонатли халқ эканимизнинг ёрқин амалии тасдиғидир”, деган гаплари айни ҳақиқат.

Отам Салоҳиддин Бекмуродов ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиб, бексиз матонат ва жасорат намунасини намоян эгган, бугунги тинч ва оқсоқиллар кунлар учун жонини фидо қилган ходимлардан бири эди. 2000 йил август-сентябрь ойларида Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Ўзун туманларидаги тоғли ҳудудларга

суқилиб қирган террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган.

Бутун ватанимизнинг отам каби чинакам ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш ва ёшларга танитиш борасида қилинаётган ишлардан ниҳоятда қувондик. Бу нафақат бизнинг оиламиз, балки бутун Ўзбекистон ёшларининг қалбида фахр уйғотди, десак муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи юртимизнинг баҳодир ўғлонларига ҳурмат-эҳтиромини таъсирчан шаклда намоян қилиш, уларнинг ватанимизга меҳри, садоқати ва жасоратини ана шу ёдгорликда акс эттириш ҳақида архитектор ва ҳайкалтарошлар, тарихчи олимлар, иждоқор зиёлилар билан мулоқот қилгани халқимиз қалбида эртанги кунга ишончини янада мустақкамлади. Ҳеч бир инсоннинг меҳнати, жасорати ва фидойилиги унутилмаслиги яна бир бор

тасдиғини топди. Натижада Ғалаба боғида янги бир ёдгорлик — “Миллат фидойилари” монументи барпо этилди. Ушбу монументта 196 нафар марҳум ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари номи зарҳал харфлар билан битилди.

Энди отам ҳақида айтсам. У киши 1998 йили Сурхондарё вилояти ИИБга қарашли жанговар вазиятни қўллаш махсус отрядида хизмат қилишдан иш бошлаган. Жантотқа кетишидан олдин кичик сержант сифатида Денов тумани ички ишлар бўлимининг ҳисобга олиш, қайд этиш ва статистика ишлари гуруҳи кичик инспектори вазифасида фаолият юртган.

Вақт ўтади, даврлар ўзгаради. Лекин давлатимиз, халқимиз қаҳрамонларининг шонли номини ҳеч қачон унутмас экан. Салоҳиддин Бекмуродов номи ҳам ҳамиша барҳаёт, биз — фарзандлари, маҳалладошлари, ёру дўстларининг хотирасида яшайтир.

Отам туғилиб ўсган қишлоқ ҳозир унинг номи билан аталади. Бу қишлоқ тоғ ёнбағридаги сўлим масканда жойлашган, қуюқ мевали ва манзарали дарахтлар қишига завқ бағишлайди. Қишлоқдаги каттаю кичик Бекмуродовлар оиласини бирдек ҳурмат қилади. Биз икки қиз, бир ўғил етим қолдик. Давлат бизни қарамогига олди. Сира назардан четда қолдирмади: ўқитди, ғамхўрлик қилди. Уч фарзанд ҳам отамиз изидан бориб, ватан ҳимоячиси — ички ишлар ходими бўлдик.

Жалолиддин ЭЛМУРОДОВ,
Ўзун тумани ИИБ
инспектор-психологи



УМУМБАШАРИЙ МАДАНИЯТ ҲОДИСАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОҲИЯТИ — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТУРИЗМ ФАЛСАФАСИ



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бегда

Қисқача айтганда, туризмнинг маданий, ижтимоийлашув жараёнидаги ролини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Маънан юксалиш ва дунё маданиятини эгаллашга бўлган ёввойи истак турли жойларга ташриф буюриш, диққатга сазовор жойларни кўриб, буларнинг ҳаммасини идрок этиш орқали қондирилади, қўрилган нарса то маънода шахсининг мулкига айланади. Туризм сизнинг халқингиз, миллатингиз, инсониятнинг маданий таърибасига шахсий тегишлиликни ҳис қилиш имконини беради. Шу боис, маданий туризм ресурслари ўзгармас, янши ният билан айтадиган бўлсак, абдийдир.

“Яшил” туризм нима ва уни ривожлантириш имкониятлари қандай?

Туризм нафақат меъзон давлатнинг ривожланишига ёрдам беради, балки сайёҳлар ўзи сезмаган ҳолда миллий маданиятлари ва қадриятлари тизимининг ташувчиси ва тарғиботчисига айланади. Бундан ташқари, бирорта сайёҳнинг, дейлик, Ўзбекистонга ташриф буюриши давомида маданий, туристик ҳудудларга қизиқиши жамиятимизни ҳам ўз тарихий меросидан тўлиқ хабардор бўлишга ундайди. Бугун Ўзбекистон табиятдан унумли фойдаланиш орқали экотуризмни ривожлантириш, экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳитни асраб-авайлашга қаратилган чораларни кўраётган етакчи давлатлар қаторидан ҳол олмақда.

Экотуризм шундай нозик соҳаки, тўғри бошқарилмаса, сайёҳлик ҳудудлари меъёридан ортқича гавжумлик муаммосига дуч келиши мумкин. Масалан, Австриядаги хушманзара кўл бўйида жойлашган Халлштатт қишлоғида 800 киши истикомат қилишига қарамай, сайёҳат мавсуми авжида гўзал манзараларни кўришга бу ерга ҳар кунини ўн минг сайёҳ келади. Маҳаллий аҳоли бу тартибсиз оқимини тўхтатиш учун тоғлар ва кўл манзараси фонида кўнбола тўсиклар ҳам қуришга мажбур бўлган.

Бирок жаҳон амалиётида экотуризмни барқарор ривожлантириш ўз мевасини берган ҳолатлар жуда кўп. Экотуризмни барқарорлаштириш, муайян қийинчиликлар билан бўлса-да, реал воқелиқлар. Бу соҳадаги муваффақият иқтисодий, экологик ва иқтимоий барқарорлик ўртасидаги тўғри мувозанатга боғлиқ. Экотуризмни ривожлантириш ҳам табиий ҳудудлар салоҳиятини баҳолаш, ҳам стратегик режалаштиришни ўз ичига олган комплекс ёндашувни талаб этади. Ўзбекистонда бунинг амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистонда бунинг амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистонда бунинг амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Айни пайтда ҳудудларда замонавий туризм инфратузилмасини яратиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилиши туризмнинг барча йўналишларини ривожлантиришда. Жумладан, Самарқанд улкан сайёҳлик салоҳиятига эга вилоят сифатида мамлакатнинг иқтисодий, иқтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Вилоятнинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида бу йил Самарқандга 2,55 миллион хорижий сайёҳни жалб этиш ва туризм хизматлари экспортини 550 миллион доллардан ошириш режалаштирилган, шунга яраша дастур ва лойиҳалар тайёрланган. Хусусан, инвестиция дастури доирасида қиймати 2 триллион 63 миллиард сўмлик 30 та лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳаларнинг 10 таси (868 миллиард сўмлик) янги меҳмонхоналар очиб билан боғлиқ бўлса, 15 таси умумий овқатланиш ва дам олиш масканлари, 3 таси савдо ва кўнгилочар масканлар, 2 таси санаторий ва соғломлаштириш марказига оид. Қадим Бухоро ҳақида тўхтайдиган бўлсак, экотуристлик объектларни вилоятнинг

деярли ҳамма туманида учратиш мумкин. Ромитан туманида жойлашган тематик туристик мажмуа — “Bukhara Desert Oasis & Spa” инновацион экотуризм кластери, шубҳасиз, ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Йиллар давомида саҳро бағрида олиб борилган сайё-ҳаракатлар натижасида янги экотуризм маркази ташкил этилиб, унинг лойиҳалари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бўронтепа тарихий тепалиги яқинида янги сайёҳлик йўналишларини ўзида мужасам этган мазкур марказ Президентимизнинг “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. “Bukhara Desert Oasis & Spa” марказида қадимий Варахша массиви, Бўронтепа археологик ёдгорлиги, кластер ҳудуди ва Бухоро амири Абдулаҳадхон чодир бўйлаб экскурсия қилиш, ўтовда яшаш, пляж, массаж, йўл танламас автотранспорт воситаларида, квадроциклда ва туяларда қум барханлари бўйлаб саёҳат, чўл ҳайвонот боғи, экологик боғ, инновацион иссиқхона, сувенирлар дўкони ва салқин ичимликлар бари каби хизматлар йўлга қўйилган.

Ушбу эртакнамо масканга ташриф буюрувчилар учун очик табиат кўйида ажойиб театрлаштирилган томошалар ва кўнгилочар шоу дастурлари намойиши ўтказилади, бу меҳмонларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши аниқ.

Келгуси 20 йил ичида халқаро туризм сайёрамиз бўйича камида уч баравар ошиши кутилмоқда, шунга мос равишда экологик юк ҳам ортади. Экотуризм, бир томондан, зарарли оқибатларни минималлаштирган ҳолда, умуман, туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қодир бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаётий эҳтиёжларини, биринчи навбатда, соғлом турмуш тарзи муҳитига бўлган эҳтиёжни ўйинлаштиради. У умумий иқтисодий ва бозор манфатлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси талабларини кесиптиради, ҳозирги замон инсонларининг ўз ҳаётини қай тарзда ўтказиш ва келажак авлод ҳаётига масъулият билан муносабатда бўлишининг янги парадигмасини шакллантиради.

Юртимиздаги экологик туризм табиат кўйидаги масъулиятли саёҳат бўлиб, атроф-муҳитни асраш ва маҳаллий халқнинг иқтимоий ҳимоясини яхшилашни таъминлашга қаратилган. Экотуризмнинг мақсади этиб эса ундан тушган сармояни табиати муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклашга йўналтирилган моддий ва молиявий сарф-ҳаражатлардан иборат қилиб белгиланган.



Бирок тан олиш керак, ҳалигача кўпчилик одамлар табиат кўйида ўзини тўғри тутишни билмайди, лекин табиий жойларга саёҳатдан баҳраманд бўлишни жуда хоҳлайди. Бундай ҳолда йўриқномалар, услубий кўлланмалар, барча керакли маълумотлар бир жойда жамланган кўлай платформалар керак бўлади. Булар ҳам оффлайн, ҳам онлайн манбалар бўлиши мумкин.

Сайёҳларга экологик таълим беришга мисол қилиб, Norges Nasjonalparket платформасини олайлик. Бу Норвегия миллий боғлари ҳақидаги манба бўлиб, у ерда экосайёҳлар ноёб йўналишлар ва ҳайкин имкониятлари билан танишиши мумкин. Лойиҳа хорижий сайёҳлар учун ҳам мўлжалланган.

Соҳанинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни

Дунё бўйича охириги беш йилда яратилган янги иш ўринларининг тўртдан бир қисми айнан туризм соҳасига тегишли. Демак, туризм



бугун янги иш ўринларини яратиш бўйича дунё иқтисодиётининг муҳим локомотиви бўлиб турибди.

Хўш, нега туризмни ривожлантиришни деярли ҳар бир давлат хоҳлайди? Унинг иқтисодиётга таъсири қай даражада? Соддароқ айтганда, сафарлар сайёҳлар томонидан муайян маҳсулот ва хизматларга талабни тақозо қилади ҳамда ушбу товар ва хизматларнинг кўпроқ ишлаб чиқарилишига олиб келади. Натижада мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми ортади. Мамлакатнинг халқаро туризм бозори жараёнларида иштироки орқали валюта кириб келиши таъминланади ҳамда тўлов баланси яхшиланади сабаб бўлади. Даромадларнинг халқаро туризм томонидан генерацияси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига киритилганда инвестицияларга ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса мультипликатив самара орқали иқтисодий ўсиш ва ривожланишга олиб келади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни



Инглиз тилидаги “Conde Nast Traveller” портали эса Ўзбекистоннинг икки тарихий шаҳри — қадимий мерос ва замонавий шаҳар ҳаётининг бетақроп уйғунлиги билан сайёҳларни ўзига жалб этадиган Самарқанд ва Хивадаги энг қизиқарли жойлар ҳақида мақолалар чоп этди. Мақолалар муаллифи Самарқандни гўзал меъморий ёдгорликлар, жонли муҳит, замонавий гастрономия ва фаол маданий ҳаёт уйғунлашган шаҳар сифатида тасвирлайди.

барпо этиляпти. Франциянинг Куршавель тоғ-чанги курорти тоғли ҳудудларимизда Европа стандартига мос туризм масканларини ташкил қилишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойда Президентимиз раислигида ҳудудларимизда туризм салоҳиятини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида туризмнинг иқтисодиётдаги улушини 7 фоизга, экспортни 10 миллиард долларга етказиш бўйича 2040 йилгача стратегия ишлаб чиқилаётгани таъкидланди.

Ундан ташқари, йиғилиш давомида мамлакатимизда туризм экспорти салоҳияти 10 миллиард доллар бўлса, шунинг 2 миллиард доллари айнан Хоразмга тўғри келиши айтиб ўтилди. Вилоятда жами 263 та маданий мерос объекти мавжуд экани, бундан самаралар фойдаланиб, туризм хизматларини ташкил этаётган тadbиркорлар кўплиги таъкидланди. Хоразмдаги кўплаб маданий ёдгорликлар ҳали ўрганилмай турибди. Ҳазораспдаги Сулаймонқалъа, Боготдаги Қалажиққалъа каби тарихий масканлар, Янгирқидаги Хон боғи, Олма отишган қалъа тарихий объектлари ҳақида маълумот кам. Шу мақсадда ташкил этилган Ўзбекистон тарихчилар жамиятининг Хоразм бўлими фаолияти давлат бюджетидан таъминланиши белгиланди. Мутасаддиларга чет элдан тажрибали археологларни жалб қилиб, тарихий обидаларни аниқлаш ва тиклаш бўйича амалий ишларни бошлаш тоширилди.

Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудидаги 8 та қадимий қалъани ўзaro боғловчи тўрт кунилик “Қалъа тур” йўналишини ишлаб чиқилади. Ушбу қалъалар атрофида мастер-режа асосида хизмат кўрсатиш объектлари ишга

туширилади. Умуман, жорий йилда Хоразмда жами 200 миллион долларлик 91 та лойиҳани ишга тушириш, 2 миллион хорижлик ва 10 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиб, туризм экспортини 700 миллион доллардан ошириш, туризм ва хизматлар соҳасида 100 мингта янги иш ўрни яратиш мутасаддиларнинг асосий вазифаси бўлиши белгиланди.

Миллий ошхона туризм бренди сифатида: ўзбек таомлари барчани ҳайратга солмоқда

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилиш стратегиясида гастронимик туризмни ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Мамлакатимиз вакилларига халқаро кўргазма ва танловларда иштирок этишда ҳар томонлама кўмак берилмоқда, шу билан бирга, мамлакат ичида тегишли инфратузилма жадал сурьатда тақомиллаштирилмоқда — мавзули ресторандар, ошпазлик мактаблари очилмоқда ҳамда минтақалар бўйлаб гастронимик саёҳатлар уюштирилмоқда. Ушбу сайё-ҳаракатларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик хазинасида машҳур гастронимик йўналишга айлантириш мақсадида қаратилган.

Гастротуризмни ривожлантириш ва халқаро маданий алоқаларни мустақамлаш мақсадида 2025 йилнинг 21-22 июнь кунлари Лондоннинг энг гўзал гўшаларидан бири — Тауэр кўприги яқинида “Uzbek Culture and Food Festival” номи ёрқин халқаро тадбир бўлиб ўтди. Фестиваль Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, маданияти ва ошхонасига бағишланиб, ташриф буюрувчиларга юртимизнинг бой аъёналари ва бетақроп гастронимик хусусиятларини намоеён этади. Фестиваль доирасида 22 июнь кунини Лондонда форум ташкил қилинади. Унда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тақдимотлари ўтказилади, соҳанинг асосий вакиллари билан учрашувлар ҳамда Буюк Британиянинг етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари билан B2B музокаралари ташкил этилади.

Шу йил 10-11 май кунлари Сеулда Туризм қўмитаси кўмағида Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси вакиллари Осиёнинг энг йирик гастронимик тадбири — “The 22nd Seoul International Food & Tableware Festival 2025” фестивалида иштирок этиб, нуфузли “Seoul International Food Olympics 2025” мусобақасида ғолибликни кўлга киритди. Дунёнинг 30 мамлакатидан келган 1000 дан ортқ профессинал ошпаз билан кучли рақобатга қарамай, миллий жамоамиз юқори маҳорати, ўзига хос таом тақдимоти ва миллий аъёналарга содиқлигини намоеён этгани учун ҳакамлар ҳайъатининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Халқаро ошпазлик мусобақаларидаги ғалабалар Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрўсини мустақамлабгина қолмай, бетақроп таъмлари ва бой ошпазлик маданиятини ўрганишга интилаётган чет эллик сайёҳлар қизиқиши орттишга ҳам туртки бўлмоқда. Ўзбек таомлари ўзига хослиги ва ранг-баранглиги билан маданий мероснинг муҳим қисмига айланиб, сайёҳларни жалб этувчи омил сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Умуман олганда, буларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, янги иш ўринлари яратиш ва Ўзбекистон брендини жаҳон миқёсида мустақамлашга имкон беради. Ҳудудларда туризм ва инвестиция лойиҳалари ривожига эса нафақат иқтисодий ўсиш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Халқаро майдондаги тарғиботлар

2025 йилнинг апрель ойда Ўзбекистонга 1 миллиондан ортқ хорижлик сайёҳ ташриф буюрди. Бу рақам нафақат тарихий натижа, балки туризм соҳасидаги изчил ислохотлар, хусусан, очиклик ва халқаро ҳамкорлиқни мустақамлаш натижаси.

Туризмни стратегик тармоқ сифатида ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлар ҳамда соҳага инвестициялар жалб этилиши, визасиз режимларни кенгайтириш, халқаро туристик ярмарка ва форумларда фаол иштирок этиш мамлакатимиз жозибдорлигини янада оширмоқда, муҳташам обидаларимиз ва туристик салоҳиятимиз хусусида хорижлик журналистлар томонидан мақолалар чоп этилмоқда, кўрсатувлар олимоқда. Масалан, яқинда Япониянинг етакчи “Travel Watch” сайёҳлик порталида машҳур журналист Тошиказу Муракамнинг “Ўзбекистон қандай мамлакат? Марказий Осиёдаги мафтункор мовий гўмбазли масжидлари билан танилган мамлакатга ташриф буюрдик” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда журналист Ўзбекистонга қилган сафари ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашган: мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини, бой маданий меросини, хавфсизлик даражасини ва маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлигини юқори баҳолаган.

Мақолада Ўзбекистон Япония фуқаролари 30 кунгача визасиз қира оладиган тинч ва меҳмондўст давлат сифатида тасвирланган. Муаллиф, шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларнинг тарихий ва меъморий аҳамиятини таъкидлаган. Диққатга сазовор жойлар орасида Ичанқалъа ва Пахлавон Маҳмуд макбараси ислом меъморчилигининг ёрқин намуналари сифатида алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Инглиз тилидаги “Conde Nast Traveller” портали эса Ўзбекистоннинг икки тарихий шаҳри — қадимий мерос ва замонавий шаҳар ҳаётининг бетақроп уйғунлиги билан сайёҳларни ўзига жалб этадиган Самарқанд ва Хивадаги энг қизиқарли жойлар ҳақида мақолалар чоп этди. Мақолалар муаллифи Самарқандни гўзал меъморий ёдгорликлар, жонли муҳит, замонавий гастрономия ва фаол маданий ҳаёт уйғунлашган шаҳар сифатида тасвирлайди.

Хива ҳақидаги мақоласида шаҳарни очик осмон остидаги музей сифатида шарҳлаб беради. Испомўжа минораси, Жума масжиди ва Тошқовли саройи каби меъморий ёдгорликлар ноёб тарзда сақланиб қолганини таъкидлайди, шунингдек, анъанавий ҳунармандлик ва гиламдўзликнинг аҳамиятини алоҳида қайд этади. Муаллиф кўча ҳаёти, кутилмаган байрамлар ва тон саҳарлаб қадимий кўчалар бўйлаб сайр қилганда ҳукм сурадиган сукунат ҳақидаги шахсий таассуротлари билан ўртоқлашади.

Ундан ташқари, Туризм қўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг Сеул шаҳридаги элчихонаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз туризм салоҳиятини хорижий давлатларда кенг тарғиб этиш ва бу орқали юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини янада ошириш мақсадида Корея Республикасининг “Korean Broadcasting System” (KBS) миллий телеканал вакилининг Ўзбекистонга ижодий сафари ташкил этилди.

Ижодкор мамлакатимизнинг тарихий ва замонавий туризм инфратузилмалари барпо этилган Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб, KBS телеканалнинг Ўзбекистонга бағишланган махсус телекўрсатувини тасвирга олди. Теледастурда ўзбек халқининг маданияти ва аъёналари, замонавий туристик инфратузилмаси, миллий таомлари ҳамда меъморий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Юқоридаги барча материалларда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси жадал ривожланиётгани, бунда асосий эътибор бой тарихий ва меъморий меросини сақлаш ҳамда оммалаштиришга қаратилаётгани таъкидланмоқда. Нуфузли нашрларда чоп этилган мақолалар эса мамлакатнинг нафақат маданий меросини асраб-авайлашга, балки уларни меҳмонхоналардан тортиб, маданий тадбирларгача бўлган замонавий сайёҳлик инфратузилмасига уйғунлаштиришга интилаётганини кўрсатмоқда. Бундай материаллар юртимизнинг халқаро майдонда тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этиб, уни, айниқса, одатий йўналишлардан ташқарида ҳақиқий таассуротларни излаётган сайёҳлар учун истиқбол ва жозибдор манзил сифатида намоеён қилади.



2025 йил 17 май, 100-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news



Ислохотлар амалда

ДЕХҚОНОБОД ТОҒЛАРИДАН ЕВРОПА БОЗОРЛАРИГА



Турмуш ташвишининг юки оғир. Айниқса, оилада бирор киши тайинли юмуш билан шуғулланмаса, яшаш осон кечмайди. Ҳар куни рўзгорнинг бир ками чиқиши тайин. Уни бутлаш учун ҳаракат қилиш лозим.

Махфират опа уйида ўтириб, ўзича нимадир қилмоқчи бўлади. Муаммонинг ечими бирор касб билан машғул бўлиш. Изланишга тушади. “Юрган дарё, ўтирган бўйра”, дейишган. Суриштирувлари натижасида олисроқ жойда иш борлигини эшитиб, безовталанади. Қандай бўлса-да, ўша ерга жойлашишга аҳд қилади. Маош берса бўлган. Кўп қатори бориб, ишлаб келаверади. Асосийси, оиласига нафи тегса бўлди.

Интилиши беҳуда кетмади. Бойсун туманидаги корхоналардан бирига ишга кирди. Бошида уйдан олисда меҳнат қилиш унчалик билинмади. Ўн беш кун ишда, ўн беш кун уйда. Ойлиги ҳам ёмон эмас. Фақат ярим ой

чексиз бўлди. Орзулари бир кун амалга ошишига умид қиларди. Шу кунлар яқинлашганига шукрона айтди.

Қисқа фурсатда бунёд бўлган “Зарафшон текстиль” МЧЖнинг 12-филиали хотин-қизларни ишга таклиф этди. Тикувчиликка ихтисослашган мажмуада дастлаб ўқув курси ташкил қилиниб, шу ерининг ўзида иш ўргатиш жараёнлари бошланди.

— Илгари туманимизда ишлаб чиқариш корхоналари жуда кам эди, — дейди Деҳқонобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” МФИда яшовчи Махфират Жураева. — Шу сабаб бошқа жойларга бориб ишлардик. Ўзим Бойсун туманига қатнаб ишлашга мажбур бўлганман.



уйдан олисга кетишининг ўзи бўлмас экан. Кўникиб кетарман деб юрди. Лекин ҳар сафар ишга отланаркан, узоққа кетишга юраги бетламасди. Аслида, бошқа имкони ҳам йўқ. Тишини тишга қўйиб чидаш керак. Эрта тонгдан йўл юриб, корхона томон кетаркан, ҳаёлида ўйларди: “Қанийди, ўзи яшаб турган Деҳқонобод туманида ҳам бирорта йирик ишлаб чиқариш мажмуаси бўлса. Ишга кириб, ҳар куни оиласи билан бирга бўларди. Балки шундай кунлар келар”. Шу орзуда у икки йил ишлади. Бу орада неча бор ишдан бўшамоқчи бўлди. Афсуски, чидашдан ўзга чораси йўқ эди.

Одатдаги иш кунларининг бирида дугоналари гап топиб келди. Эмишки, Деҳқонобод тумани марказида каттагина фабрика қурилармиш. Аёлларни ишга қабул қилармиш. Бу гапларни эшитган Махфират опанинг қувончи

Имкони бўлса, яқин атрофда ишлардим деган орзуда юрардим. Ахир ҳар куни оиланг бағрида бўлишга нима етсин? Бу ерда тикувчилик цехи очилиши кўпчилик учун яхши бўлди. Ҳозир шу ерда ишляяман. Барча шароитлар яратилган. Маоши ҳам кўнглидгидек. Асосийси, ҳар куни уйдан. Аввалгидек узоқда ўн беш кунлаб ишлаб юрмаймиз. Бажараётган вазифамиз ҳам оғир эмас.

Филиал маъмуриятининг маълум қилишича, илк бор 2022 йилда мазкур лойиҳага қўл урилган. Туман аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тикув цехи 2024 йилининг охирига келиб, тўлиқ қувватда иш бошлаган. Болалар ва катталар учун кийим-кечаклар тикилаётган корхонага аксарият хотин-қизлар “маҳалла еттилиги” тавсияси асосида ишга қабул қилинган.



Ҳаким ЙЎЛДШЕВ олган суратлар.

— Шу пайтга қадар бирор жойда ишламаганман, — дейди Сайёра Улашова. — Маҳалламизда “Темир дафтар”да рўйхатда турардим. Дойм даромад топиб, оиламизни боқиб ҳақида ўйлаб келардим. Бир куни маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси тикув цехи ишчи қабул қилаётганини айтиб қолди. Кўлимда ҳунарим бўлмагани сабаб қабул қилишмаса керак деб ўйлагандим. Шундай бўлса-да, таваккал қилиб келдим. Йўқ дейишмади. Қулай томони, бошиданок билмаганларимни ўргатишди. Қизикчи бўлса, барини ўрганиш осон экан. Ҳозир тажрибали ходимлардан бирига айландим. Ўз вақтида маош беришмоқда. Ишга келиб-кейтишимизга автобус қўйилган. Дам олиш учун етарли шароитлар яратилган.

Тикувчилардан Дилафрўз Раҳмонова, Умида Рафқорова ҳам шу пайтга қадар ишсизлиги туфайли “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Янги корхонага ишга жойлашиб, дафтардан чиқарилиди. Улар бундан хурсанд.

Ҳар куни дугоналар цехга боради. Қувноқ жомада астойдил ишлаб, юқори кайфиятда уйига қайтади. Корхона маъмурияти ёрдамида бандлиги таъминланиб, тўқинлик қилиб бораётган оилалар сафи тобора ортиб бормоқда.

— Ҳозир ишлаб чиқариш мажмуамизда 500 хотин-қизнинг бандлиги таъминланган, — дейди филиал директори Жамолддин Бобоев. — Бу ерда меҳнат қилувчилар учун етарли маош белгиланган. Бундан ташқари, доимий равишда уларнинг саломатлиги кўриқдан ўтказиб борилади. Зарурат бўлганда, керакли ёрдам бериш учун шароит мавжуд. Эндигина ишга кирган кишилар малакали устозларга бириктирилиб, иш ўргатилади. Бажарадиган ишимиз бютормага кўра тайёр бичимдаги кийим-кечакларни ўз вақтида тикиб бериш. Авваллари ишчиларимизга ойлик

белгиланганди. Ҳозир бажарадиган ишига қараб меҳнат ҳақи тўланмоқда. Бу эса тикувчиларимиз учун янада қулай бўлди. Бир ойда ўртача уч миллион сўмдан ортиқ маблағ ишлаб топишмоқда. Маҳсулот тайёрлашда сифатга катта эътибор қаратилади. Бежирим ва чиройли кийимлар ҳамisha харидориги бўлади. Бизда тайёрланган маҳсулотлар тўлиқ хорижа сотилиди. Биргина хато қилиш биз учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун тикувчиларимиздан доим масъулиятли бўлиш талаб этилади.

Лойиҳа қиймати 6 миллион долларни ташкил этган мазкур корхонада босқичма-босқич янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Айни пайтда бу мажмуанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 24 миллиард сўмни ташкил қилади. Ж.Бобоевнинг таъкидлашича, келгусида бу ерда йилгига 1,5 миллион дона экспортбоп, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади ҳамда ички бозорни арзон ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган сифатли кийим-кечак маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилади.

Бугунги кунда корхонанинг 2 та хорижий давлат ишбилармонлари билан шартномаси мавжуд бўлиб, йил якунига қадар 3,5 миллион доллардан ортиқ миқдорда экспорт амалга ошириш мақсад қилинган.

Келгусида қўшимча қувватлар яратиш ҳамда янги лойиҳалар орқали иш ўринлари сонини мингтага етказиш режалаштирилган. Бу эса яна қўшимча 500 кишининг бандлигини таъминлаш демакдир.

**Юнус БҶРОНОВ,
Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

автомобиль йўллари бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Гулнора Гёйсова. — Асосий мақсад — йўлларни тоза ва ораста сақлаш, экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш. Айни кунда Тошлоқ туманида тажриба тариқасида ҳайдовчиларни олдиндан огоҳлантирувчи махсус белгилар қўйилиб, йўл четларига чиқинди қутилари ўрнатилмоқда. Энди машинадан тушмаган ҳолда чиқиндини мазкур қутиларга ташлаб кетиш мумкин. Қутиларда тўпланган чиқиндини ўз вақтида олиб кетиш туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси йўл усталари назоратида бўлади. Бу тажриба қутилар самарани берса, яқин истиқболда вилоят бўйлаб ана шундай махсус чиқинди тўплаш қутилари ўрнатилади.

Тозалик, гигиена қоидаларига амал қилиш, атроф-муҳит мусофаллигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Кўчага, йўл бўйига, зилол суви ариқча улоқтириб кетилган чиқинди охири-оқибат турли вируслар, касаллик қакриувчи захарли моддаларга айланиб, ўзимиз ва оила аъзоларимиз соғлигига зиён етказишини унутмаслигимиз керак.

— Виллоятда чиқиндиларнинг асосий қисмини қоғоз, темир, тўқимачилик, тери, резина, шиша, тош-шағал, полимер ва пластик, ёғоч, озиқ-овқат қолдиқлари ташкил қилади, — дейди Фаргона виллояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Жуманов. — Бугунги кунда маншй чиқиндилар жойлаштирилган 18 та полигон мавжуд. Аҳолидан ҳосил бўладиган маншй чиқиндиларнинг ўртача миқдори йилгига 1,1 миллион тоннани ташкил қилади. Бирок табиати асраш, ҳудудлар саранжом-сарнишларини таъминлаш фақат масъуларнинг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Маншй чиқиндилар пайдо бўлишига билвосита сабабчи бўлганлар уни бартараф этишга ҳам ўз ҳиссасини қўиши зарур. Бу ишларда, аввало, ўзимиз намуна бўлишимиз, фарзандларимиз онгига она табиатини севиш, уни муҳофаза қилиш борасидаги билим ва кўникмаларни синдириб боришимиз, бу йўлда ибрат бўлган ёшлар, мураббийларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади.

Ота-боболаримиз йўл, ариқ, дарёни покиза сақлаш, экилган дов-дархатни асраб-авайлашни ўз бурчи деб санаган. Машинадан чиқинди ташлаш кимлар учун аризмас масала бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бугунги эътиборсизлик ва лоқайдлигимиз эртага катта муаммоларга сабаб бўлишини унутмаслик керак.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ИССИҚ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ДАЛАДА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН ЖИДДИЙ ТАВСИЯЛАР

Айни кунларда мамлакатимиз ҳудудида 41-43 даража иссиқ ҳарорат кузатишмоқда. Бундай об-ҳаво кишлоқ хўжалиги экинлари учун ҳам жиддий синов бўлиб, уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг катта қисми кишлоқ хўжалиги юмушлари билан банд. Бундай шароитда сув ва озука мувозанатига эътибор бериш, ҳар бир экинни турига мос парвариш қилиш нафақат ҳосилни сақлаб қолиш, балки иқтисодий барқарорлик учун ҳам муҳим.

Шундай мураккаб вазиятда мутахассислар фермер ва деҳқонларга қатор тавсиялар бермоқда. Биринчи навбатда, даладаги ишларни эрталаб соат 10:00 гача бажариш, 10:00 - 16:00 ораллигида эса ишларни тўхтатиш кераклиги айтилмоқда. Бундан ташқари, дала шароитида ишлаётганларга ҳарорат юқори даражага кўтарилган вақтда қуёш нури остида қолган пластик идишлардан сув ичмаслик, тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаслик таъкидланмоқда.

Кишлоқ хўжалигидан хабардор киши пахта етиштириш фақат ерга чигит қадан дашдан иборат эмаслигини, ҳар бир жараён катта масъулият талаб қилишини яхши билади. Айниқса, иссиқда бу масъулият янада ортади. Кузатилаётган об-ҳаво шароитида деҳқон ва фермерларнинг илмий асосдаги чора-тадбирлар, вақтни самарали тақсимлаш ва зарур агротехник тадбирларни қўриши ҳосилнинг сифати ва миқдорини сақлашда катта ёрдам беради.

Ўзанинг жазирама иссиқ ва сув танқислигига чидамлилигини ошириш учун биостимуляторлар, суспензиялар, аммиакли селитра билан озиқлантириш, томчилатиб сугориш ва қатор ора-ларини маҳаллий ўғит билан мулчалаш тавсия этилади, — дейди Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг глобал иқлим ўзгаришлари шароитида биодехқончиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Баҳром Юсупов. — Биостимуляторлар ва суяқ ўғитлар (бор, молибден, рух, мис, темир, марганец, кобальт, азот, фосфор) билан барг орқали озиқлантириш, шунингдек, зараркунандларга қарши

Тоғ ва тоғолди ҳудудларда эса ҳаво ҳарорати 30 даражадан ошмаган пайтларда эрталаб соат 10:00 гача ёки кечкурун 17:00 дан кейин биостимуляторлар орқали баргдан суспензия усулида озиқлантириш зарур. Бу воситалар экиннинг стрессга чидамлилигини оширади, ўсишини рағбатлантиради ҳамда ҳосилдорликка иқобий таъсир кўрсатади.

Бугдoinинг иқтисодий аҳамияти, ички ва ташқи бозордаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фермер ва мутахассис жараёнга жиддий ёндашиши зарур. Замонавий агротехник тадбирлар ва илмий тавсияларга амал қилиш орқали юқори ҳосил олиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, нафақат фермер даромадини, балки умумий миллий иқтисодиётни ҳам юксалтиришга хизмат қилади.

— Сабзавотларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳаво-тупроқ ҳароратига, фотосинтез интенсивлигига боғлиқ. Ҳарорат 25-35 даражага кўтарилганда фотосинтез жараёни кучаяди, 40-50 даражага етганда эса бутунлай тўхтабди, — дея сўзига давом этади Баҳром Юсупов. — Помидор, қалампир, бақлажон, бодринг каби иссиқсевар ўсимликлар учун 20-30 даража ҳарорат энг қулай, аммо улар ўта иссиққа чидамли эмас. Ковун, тарвуз, қовоқ, маккажўхори, ловия каби экинлар эса 30 даражада юқори ассимиляцияга эришади, лекин 40-45 даража улар учун ноқулай ҳарорат.

Мутахассислар фикрича, сабзавот экинларини жазирамадан асраш учун қатор агротехник чораларни қўриш зарур. Бу ўринда ҳам, аввало, уларни тунда сугориш тавсия этилади. Чунки бу даврда ҳаво ҳарорати паст бўлиб, намликни ўсимлик яхши ўзлаштиради. Шунингдек, ўсимликларни тўғридан тўғри қуёш нуридан ҳимоялаш, зарур бўлса, сунъий салқинлик ҳосил қилиш жуда муҳим. Қолаверса, куннинг энг иссиқ пайтлари далада чопиқ, бегона ўтлардан тозалаш каби ишлар қилинмаслиги лозим.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



махсус препаратлар қўллаш зарур. Сув сепиш орқали дала атрофида микрокларим яратиш ҳамда зарарли ҳашаротлар, кишлоқнинг олдини олиш ҳам муҳим. Тунда сугориш тупроқ намлигини сақлаб, сувнинг беҳуда туғланишини камайтириди. Интенсив технология асосида парваришланаётган гўза майдонлари 3-4 соат давомида гектарига 100-120 куб метр миқдорда тез-тез томчилатиб сугорилиши керак.

Бугдой етиштириш кишлоқ хўжалигининг стратегик тармоқларидан. Ғаллачилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ғаллачиликни қўллаб-қувватлаш, илгор агротехнологияларни жорий қилиш, етиштирилган ҳосилни қағолатли харид қилиш борасида муайян чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Мутахассислар иссиқ об-ҳаво шароитида ғалланнинг ўртагишар ва кечпишар навлари экилган майдонларни тунда шарбат усулида сугоришни тавсия этмоқда. Бу усул тупроқ намлигини самарали сақлаб, иссиқлик стрессини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, сув тежаллади.

Иссиқ шароитда ўсимликларнинг озука моддалари билан тўлиқ таъминланиши катта аҳамиятга эга. Калий, фосфор ва азот каби элементлар билан барг орқали озиқлантириш ўсимликнинг соғлом, барқарор ва тез ўсишига ёрдам беради. Шу билан бирга, узоқ давом этадиган юқори ҳарорат мева, узум ва бошқа полиз маҳсулотлари ўсиши ҳамда ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолда томчилатиб сугориш энг мақбул ечим. Ушбу усул сувни бевосита илдизга етказиш орқали намлик мувозанатини сақлаб туриш ва сув сарфини минималлаштириш имконини беради. Меваларни эрта тонгдаги салқин паллада йиғиб-терган маъқул.

Жазирамадаги агротехник ёндашув нафақат ҳосилни сақлаб қолиш, балки деҳқон ва фермерларнинг барқарор фаолиятида хал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳарорат таъсирини камайтириш, агротехник тадбирларни тўғри ва ўз вақтида амалга ошириш асосий вазифа.

**Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



Машинадан улоқтирилаётган ЧИҚИНДИЛАР

ФАРҒОНАДА КАТТА ЙЎЛЛАР БЎЙИДАН ҲАР КУНИ
600 ҚОПДАН ЗИЁД ЧИҚИНДИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНМОҚДА



Фаргона — Кўкон катта автомобиль йўли бўйлаб елдек учиб бораётган машинамиз ойнасига қора целлофан пакет учиб келди. Ҳамма нима бўлгани, ҳолат қандай юз берганини англай олмай, бир-биримизга савол назари билан қарадик. Ҳайдовчи машинани йўл четига тўхтатди. Атрофдаги деҳқонлар, баклажонлар сочилиб ётганди. Ўзимиз билан овора бўлиб чиқинди улоқтириб кетган машинани ҳам кўздан қочирдик...

— Яқинда Қирғизистоннинг Қадамжой тумани орқали Шоҳмардон кишлоғига бордик. Йўлда оддий услубда тайёрланган чиқинди тўплаш қутиларини кўриб, яхши ташаббус бошланганидан мамнун бўлдик. Йўллар саранжом-сарниш, ортиқча чиқиндиларга кўзимиз тушмади, — дейди ҳамроҳим юзгага келган ҳолатдан ранжиб.

Йўлда давом этиб, манзилга етиб боргунча чиқинди улоқтираётган машиналар, одамларнинг бунга лоқайд ва эътиборсизлиги ҳақида баҳслашиб бордик. Ажаблანарли жиҳати, бундай ҳунук манзара кеча ёки бүгун содир бўлаётгани йўқ, албатта. Уларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

— Риштон автомобиль айланма йўлининг 147-бўлимида ишлайман, — дейди Қажрамонжон Зиев. — Асосий вазифамиз йўллардаги мавжуд носозликлар, таъмирталаб йўл белгиларини аниқлаб, ўз вақтида бартараф этиш

чораларини кўриш, автомобиль ва йўловчилар эркин ҳаракати учун хавфсиз шароитлар яратиб беришдан иборат. Аммо ўз ишимиз қолиб, ҳар куни икки-уч қоп баклажон, целлофан пакет, қоғоз бўлаклари, ҳатто болалар ташкиларини йиғиш билан оворамиз. Транспорт воситасидан чиқинди улоқтирилганга маъмурий жавобгарлик белгиланиб, жарима миқдори оширилган. Бирок уларни аниқлаш, жавобгарликка тортиш бизнинг ваколатимизга кирмайди.

Вазият шу даражага бориб етганки, вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси йўл усталари катта йўллар бўйидан ҳар куни қарийб 600 қопдан ортиқ чиқинди йиғиштириб олишга тўғри келмоқда.

— Ҳар куни мингдан зиёд ходим ишга жалб этилиб, 4500 квадрат метрдан ортиқ майдон супурилиб, тозалаш ишлари олиб борилади, — дейди Фаргона шахри ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи Маҳмуджон Мираҳмедов. — Шунингдек, 12 километрдан зиёд яриб ва лотоклар тозаланган. Кунига 11 та замонавий техника ёрдамида шахар ҳудудидан 35 тонна чиқинди олиб чиқилади. Бу ишлар учун 23 та кўкаламзорлаштириш бригадаси жалб этилган. Афсуски, ҳамюртларимиз ҳамма вақт ҳам бу оғир юмушларнинг қадрига етмайди. Шу боис, эрталаб тозаланган хиебонлар, кўчалар, ариқлар кечгача турли маишй чиқиндилар билан яна тўлиб-тошади. Махсус чиқинди қутиларига боришга эринган айрим кимсалар чиқиндини маҳалла боши, йўлаклар, ариқ ва автомобиль йўллари бўйларига ташлаб кетишни одат қилган.

Дунёнинг қатор мамлакатларида атроф-муҳитни ифлослантириш ёки табиатга зиён келтирилганлик учун салмоқли миқдорда жарима қўлланилади. Масалан, Испанияда машина ойнасидан чиқинди улоқтириш 200 евро, сизгарет қолдирини ташлаш 90 евро миқдориди

жаримига сабаб бўлади. Ерга ташланган қоғоз учун Сингапурда 300 дан 1000 долларгача жарима тўлаш керак. Япония мактабларида ўқувчилар дарсларни тугатгач, синфхоналарни ўзлари тозалаб, тартибга келтириши одат тусига кирган.

Хиебонлар, магистрал йўл ёқаларидаги ноёб манзарали даракларга шикаст етказиш, гулзорларни пайҳон қилиш, пиедалар йўлагини, йўл четидидаги безакли тўсиқларни бузиб кетиш ҳолатлари, афсуски, ҳамон учраб турибди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар қолдиқлари оёқ остига ташлаб кетилаётгани эса янада ачинарли.

Хонадонларда тўпланадиган чиқиндиларни белгиланган муддатда олиб кетишга “Тоза ҳудуд” корхоналари масъул. Бугунги кунда ҳар бир шахар-туманда улар ўзаро шартнома асосида аҳолига санитар хизматлари кўрсатмоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳоли бу хизматдан бирдек мамнун эмас.

Вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидида 3985 километр йўл мавжуд. Ҳар куни йўлларни таъмирлаш, тартибга келтириш, тозалаш ишлари билан боғлиқ юмушларга 1000 нафардан кўпроқ йўл устаси жалб этилади. Виллоятдаги гажвум автомобиль йўлларида бир соатлик машиналар қатнови ўртача 30-35 мингтани ташкил этади. Тасаввур қилиб кўринг, ҳар бир машинадан бир дона оддий баклажон ёки қоғоз қолдиқлари ташланган тақдирда қандай ҳолат юзага келади? Шу сабабли баъзи йўлларда чиқиндиларни кунига уч-тўрт бор йиғиб олишга тўғри келмоқда. Бундай чиқиндилар орасида қурилиш материаллари, сабзавот, мева пўчоқлари бор...

— Муаммонлар бартараф этиш учун янги ташаббуслар илгари сурилиб, инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бошланиши 1-бетда

Бу жуда катта стратегик воқеа. Болаларимизнинг маънавий ҳимояси, мафкуравий иммунитет масаласи. Бир умр фарзандларимизнинг миллий тарбияси борасида ўйлаб, излаиб юрган бир педагогнинг ўйларини баён қилмоқчиман.

*** Катталар ҳам, болалар ҳам ҳар куни икки тур — моддий ва маънавий озуқа билан озиқланади. “Биз нима еган бўлсак, ўшамиз” деган гап бор. Бу одам овқат, мева, ичимликдаги кимёвий элементларни ҳазм қилади, қандай элементларни еб-ичса, ўшаларнинг изида бўлади дегани. Шунинг учун одам ейдиган нарсаларни кўриб, текшириб, кейин истеъмол қилади. Биладики, ёмон овқат касал қилади. Тажрибасиз болалар эса адашади.

Маънавий овқат бу — ҳабар, матн, мем, пост, кўшиқ, башара. Ҳар тонг ўз меноси, тақлифлари билан отади. Ҳар куннинг ўз ҳабаблари — маънолари, маънавий меноси бор. У ҳар дақиқа, сонияда янгилашиб боради. Шунинг учун чоршанба-нинг медиа (маънавий) дастурхони меноси шанба кунига ярамайди. Телефонимиз — ўзимиз билан бирга юрадиган шахсий, кўчма маънавий дастурхонимиз. Маънавий озуқа кўз, қулоқ билан ейиллади. Мана шу маънавий дастурхон — контент.

Менимча, “болалар миллий контенти” жумласидаги “миллий” ни икки маънода тушунишимиз керак. Биринчи — давлат контенти маъносиди. Иккинчиси — миллий-маданий, ўзбек маънавияти маъносиди. Болалар миллий контенти ёшлар тарбиясида давлат ва миллат манфаатлари бирлигининг медиа ифодаси. У давлат ва миллат манфаатларини оқлаб суриши, ҳимоя қилиши ва шафқатсиз устувор тутиши даркор.

“Ёмон бўлса ҳам ўзимизники”, “Бизга бўлаверди” деган қараш билан узоққа бориб бўлмайди. Нима демоқчимиз? Глобал медиадастурхонга тортаётган таомларимиз ширин, ақлли, фойдали, сифатли бўлиши керак.



Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор

Тақлифим, ўзбек болалар миллий контенти-нинг сифат стандартини яратишимиз лозим. Ҳар бир катта-кичик, соҳасидан қатъи назар, болалар медиасини аниқ ўлчаб, баҳолаш стандартини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу нима беради? Бу бизга ҳар куннинг миллий контенти (маънавий дастурхонимиз)ни ана шу стандарт асосида аниқ баҳолаш имконини беради. Болаларимизнинг медиадастурхонига нима тортилган, неча хил, сифати, муддати қандай? Миллат болаларининг маънавий саломатлигига таъсири қандай? Давлат қонунлари ва миллий-маънавий стандартларимизга мослик даражаси қанақа деб қунора ўлчаб, баҳолаб боришимиз керак.

Глобал контент ҳам бозор. Ўзининг хари-дорлари бор. Масалга илмий асосда ёндашсак, илм биз ишлаб чиқаётган медиамаҳсулотларнинг

бозорғирлиги, рақобатбардошлиги, нарху наво-сини ўлчаб беради. Ютуқларимиз, хатоларимиз-нийам кўрсатади.

Нега? Чунки янги авлод ўзбеклари вояга ет-япти. Миллий контент — уларнинг (қасбидан қатъи назар) рисоладагидек йиғит-қизлар бўлиб май-донга чиқишига ёрдам берадиган маънавий озиқ. Миллий контент фақат биз учунмас, бутун инсо-ният учун керак. Ҳар бир миллатнинг ўзигани йўқотмаслиги учун зарур.

Шунинг учун ҳар бир давлат ўз медиа вата-нини кўриди. Медиа орқали маънавий чегарани бузиб, ёшларнинг кўзи, қулоғидан қирмоқчи бў-лаётган инфекцияларни кўриб, жар солади. Чун-ки болалар миллий контенти — болаларимизга муқобил, ўзбекона ўйлаш тарзини ўргатиб, сақ-лаб қолдиган маънавий қалқон.

Бола кўрадиган кино, ўқийдиган китоб, эши-тадиган кўшиқ, томоша қиладиган видеолар ўз она тилида, ўз муҳитида бўлса, дунёқараш ҳам миллий бўлади. Миллий контент нафақат тарбия-вий, балки жамиятда бирликини таъминлайдиган омил ҳамдир. Ҳамма бир хил ғояда, тарихда, урф-одат ва қадриятда яшаса, миллий кучли бўла-ди. Бу маънавий барқарорликдир.

Миллий контент ахборот урушлари даврида ёшлар онгини ҳимоя қилувчи, келажақ авлодни тарбияловчи, миллий ўзликини сақловчи муҳим ресурс.

АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Франция каби ривожланган давлатларда миллий контентга од-дий ахборот воситаси эмас, балки мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий қурол сифатида қаралади. Улар болаларга ўз фалсафасини мультфильм, қаҳрамон, кўшиқ, кино орқали мақсадли, изчил, режали, ўлчаб сингдиради. Ўз контенти орқали дунёга таъсир ўтказади.

Дунёда миллий контентни баҳолаш тажри-баси катта. Болалар миллий контентининг ҳам. Жумладан, асосий мезонлари этиб қуйидаги-ларни келтириш мумкин: контентда қадриятлар, тил, тарих қай даражада тўғри ва чуқур ифода-ланган? Ёшларга мўлжалланган медаларнинг ахлоқи қандай? Контент маҳаллий платформа-ларда тарқалганими? Ишлаб чиқарувчи ўзимиз-ми ёки ташқими? Қанча киши кўрди, ўқиди? Жамиятда қандай фикр уйғотди? Миллий онгга таъсири қандай, яъни қаҳрамонлар, тарих, мил-лий рамзлар қандай тарғиб қилинган? Миллий гуруҳ, ватанпарварликка таъсири борми? Иқти-содий самараси қандай: маҳаллий контент қан-ча даромад келтиряпти? Экспорт ёки лицензия орқали қай даражада пул топиляпти? Контент нафрат, ўзравонлик ёки экстремизмни тарғиб қилмайдими? Маънавий соғлом муҳитга хизмат қилмайдими?

Айрим мамлакатларда болалар миллий кон-тенти шунчаки ижод маҳсули эмас, мафкуравий ҳимоя воситаси. Шу боис, миллий контент қатъий ахборот хавфсизлиги мезонлари билан баҳоланади.

Бу жуда қизик мавзу, гап кўп. Бир гап аниқ-ки, миллий контент — миллатларни сақлаш, ёшлар-ни тарбиялаш, давлатни, мустақиллигини маъна-вий ҳимоя қилиш йўли.

Демоқчиманки, биз бугун ҳаммамиз, айниқ-са, зиёлилар миллий контентимизни маънавий ватан деб билайлик. Уни ўз пост, миллий медиа-контентларимиз билан ҳимоя қилишимиз керак. Чунки маънавий, медиа ватанимизга тухмат тош-лари отилиб турибди. Кўриб, ўқиб, индамай ту-риш бизга ярашмас.



Мухайё БАЙБАЕВА, педагогика фанлари доктори, профессор

Интернет ва ижтимоий тармоқлар кундалик ҳаётимиздан чуқур жой эгал-лаган. Айниқса, мактаб ёшидаги авлод учун у нафақат ахборот манбаи, балки ижтимоийлашув, мулоқот ва дунёқараш шаклландирган макондир. Таҳлиллар-га кўра, мактаб ўқувчиларининг катта қисми, аниқроғи, 80 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқларнинг фойда-ланувчиси. Бу рақам бир қарашда замо-навий дунё билан интеграция белгиси бўлса, иккинчи томондан, жиддий таш-вишларга ҳам асос бўлади.

Глобал ахборот макони чексиз им-кониятлар билан бирга турли зарарли ва салбий маълумотлар ҳам айланади-ган ҳудуддир. Ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган, яхшини ёмондан ажратиш қўлимади етарлича ривожланмаган бир пайтда ёш ақл эгаларининг назо-ратсиз бундай муҳитга кириши қўллаб-хавфни юзага келтиради. Албатта, дав-лат ва жамоат ташкилотлари томонидан болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар қилиняп-ти. Фильтрлаш тизими, оғоҳлантириш,



Соғлом ҳаёт

ДАВОЛАШДА КЎРА ОЛДИНИ ОЛИШ АФЗАЛ

ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ҚАНДАЙ КЕЛИБ ЧИҚАДИ?

Қалқонсимон без инсон организмидagi энг муҳим эндокрин органлардан биридир. У тиреоид гормонлари орқали моддалар алмашинуви, органларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқаради. Шунингдек, иссиқлик ҳосил қилиш, кислород сўрилиши ва ҳужайра иммунитетини каби жараёнларда муҳим ўрин тутати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё аҳолисининг 10-30 фоизи қалқонсимон без касалликларидан азият чекар экан. Сўнгги йилларда бу касалликларнинг кўпайиши экологик муаммолар, йод етишмаслиги, генетик омилар ва замонавий ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам бу муаммо долзарблашиб, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётир.

Қалқонсимон без касалликлари, хусусан, гипотиреоз (гормон етишмаслиги) ва тирео-токсикоз (гормон орттиқчилиги) кенг тарқал-ган. Гипотиреоз умумий популяцияда 0,2-2 фоизни, субклиник шакли эса 7-10 фоизни ташкил қилади. Ёш катта аёлларда бу кўрсаткич 12 фоиздан ошishi мумкин. Тирео-токсикознинг асосий сабаби грейс касалли-ги бўлиб, у аёлларда 10-20 баробар кўпроқ учрайди. Аутоиммун тиреоидит (АИТ) ҳам гипотиреознинг асосий сабабларидан бири ва у ҳам аҳолининг 3-20 фоизда кузатилади.

Айни касалликларнинг тарқалишига қатор омилар сабаб бўлади. Экологик муаммолар, масалан, нурланиш ва кимёвий ифлосланиш беэнинг фаолиятини бузати. Чернобил АЭС фалокатидан 6-7 йил ўтиб, АИТ ҳолатлари кескин ошгани ёки Япониядаги Хиросима ва Нагасаки ҳодисаларидан кейин касаллик-лар кўпайгани бунга мисол. Йод танқислиги ҳам касаллик келиб чиқишидаги муҳим омил. Минтақамизнинг айрим ҳудудларида овқат орқали етарли йод қабул қилинмаслиги ту-файли қалқонсимон без касалликлари келиб чиқади. Замонавий ҳаёт тарзида кўп учрайди-ган стресс, нотўғри овқатланиш ва жисмоний



беморлар касаллигининг оғир шакллари ри-вожлангандагина шифокорга мурожаат қила-ди. Бу эса даволаш жараёнини қийинлашти-ради. Масалан, оғир гипотиреоз ҳолатларида юрак етишмовчилиги ёки гипотиреонд кома каби ҳаётга хавф туғдирувчи асоратлар юзага келиши мумкин.

Қалқонсимон без касалликларини даво-лашда турли усуллар қўлланади. Гипотиреоз-да одатда левотироксин каби ўрин босувчи терапия тавсия этилади. Тиреотоксикозда эса тиреостатик дорилар (тиамазол, пропил-тиоуратсил), радиоактив йод терапияси ёки жарроҳлик аралашуви (тиреоектомия) қўл-ланади. Европада консерватив даволаш 12-18

ой давом эттирилиб, 50 фоиз беморда узоқ муддатли ремиссия кузатилади. АҚШда эса 60 фоиз ҳолда радиоактив йод терапияси аф-зал кўрилади. Россияда шифокорлар 70 фоиз ҳолатда жарроҳлик ёки радиоактив йод усу-лини танлайди.

Мамлакатимизда буни даволашда қийин-чиликлар мавжудлигини қайд этиш лозим. Боиси, радиоактив йод терапияси ва замона-вий жарроҳлик усуллари чекланган миқдорда қўлланади. Чунки бу усуллар махсус жиҳозлар ва малакали мутахассисларни талаб қилади. Бундан ташқари, беморларнинг муолажага риоя қилмаслиги ёки молиявий қийинчилик-лар туфайли даволаш жараёни тўхтаб қолиши

мумкин. Масалан, тиреостатик дорилар билан даволаниш узоқ муддат талаб қилса-да, баъзи беморлар даволанишини эрта тўхтатиб, касал-лиқнинг қайталанishiига сабаб бўлади.

Қалқонсимон без касалликларининг олди-ни олиш ва эрта ташхислаш учун қатор чора-лар кўрилиши зарур. Аввало, йод профилак-тикаси муҳим аҳамиятга эга. Йодланган туз, денгиз маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ва йодга бой бошқа озиқ-овқатлар истеъмолини кўпайтириш керак. Ўзбекистоннинг йод тан-қислиги кузатиладиган ҳудудларида бу маса-лага алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бундан ташқари, аҳолининг муайян гуруҳ-лари, хусусан, ёш катта аёллар ва генетик мойилиги бўлган шахслар учун мунтазам скрининг дастурлари ташкил этилиши зарур. Бу дастурлар тиреоид гормонлари даражаси-ни текшириш ва ультратовуш текширувлари-ни ўз ичига олиши айти мумкин. Экологик хавфсизлигини таъминлаш учун нурланиш ва кимёвий ифлосланишни камайтириш бўйича давлат дастурлари жорий этилиши лозим. Масалан, саноат чиқиндиларини назорат қи-лиш ва экологик тоза технологияларни қўл-лаш бу борада муҳим қадам бўлади.

Аҳолининг тиббий хабардорлигини оши-риш зарур. Қалқонсимон без касалликла-рининг аломатлари, масалан, чарчоқ, вазн ўзгариши, бўғим оғирликлари ёки юрак ви-зи тезлашиши ҳақида ахборий тарғиботлар ташкил қилиниши керак. Булар теледиде-не, ижтимоий тармоқлар ва соғлиқни сақ-лаш муассасаларида тарғиб қилиниши мум-кин. Масалан, маҳаллий поликлиникаларда

беморларга қалқонсимон без касалликлари ҳақида брошюралар тарқатиш ёки бепул тек-ширувлар ташкил этиш фойдали бўлади.

Замонавий тиббиётда қалқонсимон без касалликларини ташхислашда илгор техно-логиялар қўлланоқда. Юқори аниқликдаги ультратовуш текширувлари, иммуногенетик тестлар ва молекуляр диагностика усуллари касалликларни эрта аниқлаш имконини бе-ради. Шу билан бирга, индивидуал даволаш ёндашувлари, масалан, беморнинг генетик профилига асосланган терапия ишлаб чиқил-моқда. Бу усуллар келажақда даволаш сама-радорлигини ошириши кутилмоқда.

Қалқонсимон без касалликларини нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида ҳам долзарб. Касалликлар туфай-ли меҳнат қўбилиятини пасайиши, сурункали асоратлар ва даволаниш харажати онлалар ва давлат соғлиқни сақлаш тизимига кат-та юк бўлмоқда. Масалан, гипотиреоз ёки тиреотоксикоз туфайли остеопороз, юрак касалликлари ёки неврологик муаммолар ривожланиши мумкин. Бу эса узоқ муддатли даволанишни талаб қилади. Минтақамизда бу муаммони ҳал қилиш учун давлат, тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасида яқин ҳамкорлик зарур.

Нодира ШОНАЗАРОВА, Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедра ассистенти, эндокринолог

6

2025 йил 17 май, 100-сон

www.yuz.uz

f yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz

Албатта ўқинг!

Адаш, дедим, адашдим

(“Сўз латофати” китобидан)

Икки шоир, икки адаш, икки Турсунбой дўстларимга бағишланган ҳазил рубойи:

Турсунбойга деди Турсунбой: Адаш, Шартми иккимизни Турсунбой аташ? Шеърхон адашмасин, бўлайлик энди Сен Турсун Али, мен Турсунбой Адаш.

Бу сўзлар фақатгина икки шоирга эмас, адаш, дея адашувчиларга ҳам ҳазилдир. Нега исми бир одамларни адаш дейдилар, деб савол берсангиз, кўпинча уларни бир-бирлари билан адаштирганлари учун, деган жавобни olasиз. Адаш сўзининг асли отдош эканини биров билса, биров билмайди. Шундай, қир сўзининг чекка ер деган маъносини билмаган киши қирғоқнинг қаердан пайдо бўлганини англамайди. Даланинг чеккаси қир, сувнинг чеккаси қирғоқ, эшик ё деразанинг чеккаси қирра.

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиши, не тонг, Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қирқоқ.

Арса — майдон, қирқоқ — чекка ер. Ҳазратнинг бу машҳур байтида биринчи сўз шахмат тахтаси, иккинчиси — тахтанинг чеккасини билдиради. Фарзин ва рух — сипоҳлар. Рух тўғри чизик бўйлаб тикка юргани учун шохдан йироқда, шахмат тахтасининг чеккасида туради. Шундай бўлгач, фарзин каби кавражлар, эгри қадамлар шох ёнидан жой олса, не ажаб?

Ўғул ва баркамол ташбех. Сўзларнинг маъно юки залворди. Ўзаги қир бўлган қирқоқ сўзи бамисоли узукка кўз қўйгандек ўз ўрнида. Афсуски, Навоий бобомизнинг тил бойлигидан тўла баҳраманд эмасмиз. Бошқа кў сўзлар каби арса ҳам, қирқоқ ҳам унут бўлган.

Янги Ўзбекистон

Тошойна

ТЕАТРДА ЎЗИНГИЗНИ КЎРАСИЗ

ТЕАТРГА ТУШМАГАНЛАР ҲАҚИДА ШУНЧАКИ ГАПЛАР

Бир гап айтсам, ишонасизми? Охирида режиссёр иккимиз ҳам уялиб кетдик. Нима дейишни билмай қолдик. Лаҳзалик сукунат чўкдики, ер ёрилсаю кириб кетсак...

Нуфузли тизимнинг каттаконлари билан соҳага тегишли бир асар ҳақида фикрлашиб олишга тўғри келди. Йиғилганларнинг дярли барчаси ўқиб чиққан. Қўлида асар нусхаси. Рўпарадаги катта экранда ҳам драма номини иштирокчилари, мазмун-моҳияти ҳақидаги ёзув шундоқ кўзга ташланиб турибди. Асосли мулоҳазалар айтилса, асарга ўзгартириш киритиш мумкин деган ўй ҳам йўқ эмас менда.

Бироқ бошқалардан лавозими юқори каттакон сўзининг аввалидаёқ: “Бу нарсани чет эликлар ҳам кўради. Эҳтиёт бўлишимиз керак, асарни янада яхши қилиб чиқаришимиз шарт. Ахир бу бошқа тилларга таржима ҳам қилинади, тарқалиб кетади”, деб қолди. Асар нусхасини қўлига олиб, кўк, қизил, сариқ рангли қоғозчалар ёпиштирилган жойларига бир қур назар солди. Айрим жумлаларни ўзгартириш мумкинлигини ҳам айтди. Қўлқоқда яшаш чин маънода роҳат-фароғат, у ердаги йомушлар кишига лаззат бағишлаши, айниқса, инсонни тоблаши, дунёқарашига жуда катта ижобий таъсир қилиши, ўзи ҳам қишлоқдан чиққанию у ерда камбағал одам йўқлиги, камбағал бўлса ўзи айбдорлиги борасида ўта сиполик билан бамаъни фикрлар билдирди. Асар қаҳрамони ана шундай муҳитда кўксини баланд тутиб улғайганини ёшиш кераклигига уруғ берди.

Мен ҳайрон, режиссёр таажжубда. Бир-биримизга анграйиб қараймиз: “Наҳотки бу драмани юртимизга келган ажнабйлар ҳам кўрса! Ахир улар ўзбекчани, сахнадаги артистлар эса уларнинг тилини билмайди-ку! Ё диалоглар таржимаси экранда бериб борилармикан? Уни ким хорижий тилга ўтиради? Олдин

Кай бир катта-кичик раҳбарни қўққис уйқудан уйғотиб, миллат эртаси учун нима зарур деб сўрасангиз, албатта, таълим, маънавият, тарбия масканисиз миллат келажаги ҳақида гап-сўз бўлиши мумкинмаслиги, маданият ўчоғи бўлган театр ҳақида куйинчаклик билан тўлиб-тошиб гапириб беради. “Театр ундай, театр бундай, театр — ҳаёт, театр — наҳот...” Кетди бу ёғи... нақадар чиройли гаплар.

Ён-атрофимиздаги, баъзи хорижий давлатлардаги театрларга имкон даражасида вақт топиб тушганам. Очиги, мен билган давлатларнинг ҳеч бирида театр соҳасига бизнинг юртимиздагидай эътибор берилмайди. Қатор йиллардан бери театрларни вазирлик ва давлат идоралари томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳодимларни театр томошаларига жалб этиш, иктисодий бакуват идораларни театрларга бириктириб “Дўстлар клублари”ни ташкил қилиш ва ҳоказо ишлар тизимли равишда ба-жариб келиняпти.

Президентимизнинг ўтган йил ноябрдаги театр соҳасини ривожлантириш борасидаги тарихий қарори маданият аҳли ҳаётида ҳар жиҳатдан мислсиз аҳамият касб этади. Бу қарор моҳияти ҳақида хорижлик ижодкор дўстларим, театр соҳаси одамларига сўзлаб берганда ҳам хайрон қолди. Давлат театрни ташлаб қўймаганига ҳавас қилишди.

Театрда биз ҳаётни, ўзимизни, ўтмиш ва келажакимизни кўрагим. Одамзоқ маънавий қашшоқлик чоғига тушиб кетмаслиги бора-сида театр бонг уради. Айниқса, бутун бани башарда эзгулик тушунчаси оёқости бўлиб, ахлоқсизлик оддий ҳол санала бошлаган, ижтимоий тармоқларда келажак авлод руҳиятига таъжовуз қилинаётган яқол сезилаётган, бу фалокатни ҳамма ҳам пайқамаетган, бефарқлик ва лоқайдлик уриётган давримизда театр биз учун нажот саҳнасиға айлланиши шубҳасиз. Беҳбудий бобомизнинг гапи айнан бутун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Хуллас, театр одамийлик ҳақида сабоқ берадиган зиё саҳна экани ўзини билган одамга кундай равшан бўлиб қолди. Тўғри, театрга кирмасангиз ҳам кунингиз ўтаверади. Лекин ўтаётган кун қандайлигини билиш учун ҳам театрга кириб туриш керак.

Юқоридаги гапларим айримларнинг кўнглига оғир ботиши, театрга тушмаётганимиз билан неча пуллик ишинг бор деган фикрга келиши ҳам мумкин. Бироқ бир гапни такрор айтман: уйингиздаги кўзгуг ишонманг, у ташқи кўринишингизни намоен этади. Театр эса кўнглингизни кўрсатиб беради. Бу оддий кўзгу эмас... Ўз ботинини билмаган одамнинг қўрқарлик қилиши аянчли ва хавфли ҳодиса. Театр, керак бўлса, жамиятнинг қон томирини ушлаб ташхис қўя олади. Биламан, бунга ишонмайсиз, чунки театрга кирмагансиз.

Шу ўринда бир гап айтгай: каттааконлар ҳам театрдан олис дея олмайман. Театрни тушунадиган, ардоқлайдиган раҳбарлар, вазирлар, ҳокимларни биламан.

Бир куни Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик музыкали театр режиссёри хурсанд бўлиб кўнгиғроқ қилиб қолди: — Театримизда мактабдаги ва мактаб таълими вазираи Хилола Умарова жамоаси билан келиб, спектакль томоша қилди. Ҳатто спектакль туугач, у ўқитувчилар билан бирга саҳнага чиқиб, актёрларимизни табриклади. Роса хурсанд бўлдим. Барбир вазирларнинг театрга келиши бошқача-да! Жамоамиз ҳам мамнун.

Режиссёрнинг айтишича, вазирнинг ташрифидан сўнг тизимдаги барча ташкилот жамоаси театрга спектакль кўргани келган. Бу ҳол ҳанузгача давом этапти. Вазирнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали ҳам соҳа ҳодимларига театрга кириб туришга ундашини ўқиб севиндим, унга хурматин янада ошди. Яна бир зияли раҳбар — Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасановнинг жамоаси билан театрларга мунтазам бориб туриши, театрлар фаолиятини кенг тарғиб қилиши, айрим вилоят ҳокимларининг ўз худуддаги театрлар билан савимий алоқада эканини эшитиб хурсанд бўламан. “Хайрият, — дейман ўзимча, — хайрият, театрни севадиган зияли раҳбарлар ҳам бор”.

Лекин барибир кўнглимнинг бир бурчида бошқалар қачон, қайси даврда театрга тушганини билгим келаверади...

“

СОФ ЎЗБЕКОНА ИБОРА! КЎКРАҚДАГИ ОҒРИҚНИ ЮРАК САНЧИҒИ ДЕЙИШ ХАЛҚИМИЗДА УЗОҚ ЗАМОНЛАРДАН БОР ЭКАН. ҲАЗРАТ ЯНА БИР ЎРИНДА АЙТГАНЛАР: КИМ ЯНА ЙЎҚДИР АЛАР ОЛЛИҒА БОРМОҚҚА ЮРАК. БИЗ ҚЎРҚУВ МАЪНОСИДА ҲАР КУН ИШЛАТАДИГАН ЮРАК ЙЎҚ БИРИКМАСИНИНГ ТАРИХИ-ДА ҚАДИМИЙ ЭКАН.

Эркин Воҳидов

Сўз латофати

Бир эртақда айқ билан деҳқон ше-рикликка қарам экишадди. Деҳқон айиқни алдаб: “Ҳосилининг тупи сенга, япроғи менга”, — дейди. Алданган айқ келгу-си йил: “Энди тупини сен олсан, барги менга”, — деб яна алданади. Чунки бу гал шолғом экишган эди. Негал илдинзи туп дейдилар? Негал ёш келин ва куёвга: “Туп қўйиб, палак ёзинлар” — деймиз? Илдинз ернинг тубида бўлади. Демак, туб тупга айланади. Бамисоли туб турунча, чўб чўпга, қолиб қолипга, кўршабпарак кўршапалакка айлангани каби, оғзаки тилда китоб, мактаб сўзларни китоп, мактап дейилганидек. Гулнинг тағида, бешикнинг тағида турадиган, биз тувзак деб атайди-ган сопол идиш аслида тувбак экан. Туб сўзининг тубини изласа, балки биз эъти-бор қилмаган яна кўп сўзлар чиқар. Паст одамни тубан дейдилар. Туп илдинз бўлса, илдинзи ер тупроқ бўлади. Гўё ўтгли ер ўт-лоқ, тошли ер тошлоқ, гулнинг, меванинг ёпинчиёғи ёпроқ (япроқ) бўлгандек.

Тупроқни биз тупроқ ҳам деймиз. Бу ёғмурун ёғмурин деганимиз каби оддий ҳарф алмашинганини ёки ўзбекча тупроқ билан арабча турбат сўзларининг қўшили-ши натижасида ҳосил бўлган янги сўзми? Нима дейсиз?

Инсоннинг гавдаси бошдан бошланиб, оёқда тугайди, оёқ бўлади. Оёқ қадимда одоқ дейилган. Демак, одамзоднинг боши бош, одоғи одоқ экан.

Бошимизнинг икки томонидан ўсиб чиққан, кўзанинг тутқичидек ўзимизга ярайиб турган овозтутқич “лоқатор”имиз қулоқ бўлади. Дарҳақиқат, қулоқ кўпин-ча тутқич маъносиде келади. Чойнакнинг, қумгоннинг, қозоннинг қулоғи бор. Қозон-чида икхтёр қайдан қулоқ чиқарса, деймиз. Сув тўтилган, боғланган ер ҳам қулоқ.

Сўзимиз аввалида ўртага тушган са-волларга қайтсак. Юрагимиз макон тутган ер — кўкрак. Кўксим осмон деганимиз билан кўксу кўкракнинг кўк осмонга ҳеч бир алоқаси йўқ чиқди. Кўк қадимги туркий тилда эммоқ сўзининг ўзати экан. Бир кўкрақдан сут эмган кўка, кўкалдош бўларкан. Демак, чинакам кўкрак аёлни-нг кўкси экан. Биз эса қуруқ кўкракни кериб, кўксим қалқон деб юрган эканмиз.

Кўксимизда уриб турган юрак аслида юракми, урақ? Юрак урадимми ё юрадим? Мен ўзимча урақ дегим келади. Мантй-қан шундай бўлиши керак. Лекин “Девону луготит турк”да юрак дейилган. Дарҳақи-қат, юр ўзағи фақат юришни анигламайди. Умуман ҳаракат маъносини билдиради. Масалан, шамол юрди, деймиз, ишнинг юриб кетди, деган гапимиз бор. Навоий ҳазрат ҳам юрак деганлар. Дил, кўнгул сўзларича кўп бўлмаса-да юрак ҳам турфа жилолари билан “Маънолар хазинаси”дан кўркам ўрин олган.

Ғам қулабсида, жоно, ул хастага раҳми этким,

Тебранса, бағир оғир, дам урса, юрак санчар.

Соф ўзбекона ибора! Кўкрақдаги оғ-риқни юрак санчиги дейиш халқимизда узоқ замонлардан бор экан. Ҳазрат яна бир ўринда айтганлар: Ким яна йўқдир алар оллига бормоққа юрак. Биз кўрқув маъ-носиде ҳар кун ишлатадиган юрак йўқ би-рикмасининг тарихи-да қадимий экан.

Бу сўз усмонли турк тилида юрак, аммо озарбайжонлар урақ дейдилар. “Девону луготит турк”дек, “Хазойин ул-маоний”-дек муқаддас манбаларда юрак бўлса, бошқа саволга ўрин қолмаслигн керак эди. Лекин тинчимас кўнгли, иштибоҳчи фик-рат менга тинчлик бермайди, жуда қадим-да, Кошғарийдан ҳам минг йиллар нарида бу сўз урақ бўлгандир, деган хаёл кўнгли-ни тарк этмайди.

Тилимизда ўз асл маъносини аллақачон йўқотган, бизни адаш қўчаларга етакловчи сўзлар кўп. Дафъатан эсга тушганларини айтгай: змистон, хунук, меҳнат, фуқаро, мард, мағиз, мастава, нигор, тоза, ирода, таманно, фан, жазо, жазира, пул, сиёх, ватан, қалам, ғайрат, қатагон, салом, раҳмат, табрик, афанди, девона, дарвеш, марҳум, таклиф, тақсир, тахир, муҳар-рир, дағал, дағдага, бисот, кунж, чекиш, лавҳа, мақола, гараз, юввош, ғалати, тасаддуқ, бадал, арава, асбоб, аския, айёр, артист, пир, жувон, қароқчи, қоп, қопқоқ, қопагон, рази, тағбиқ, таҳал-лус, сиёсат, табиб, арбоб, ҳамшира, доя, қошона, мусаллас, овқат, жаҳл, жоҳил, иснод, маймун, андиша, фаромуш, ал-вон, алфоз, ушoқ, сандал, авзо, хавотир, адабиёт, сарбаст, чўпчак, рўзгор, бағир, қайсар, ўқсук, сайил, гаш, нишхўрд, қойил, қойилмақом... Санаб адо қилиш мушкул. Ўйласам, асл маъносини йўқотган сўзларни санагунча асл маъносиде қолган, ҳеч бир янги мазмун, янги оҳанг касб эт-маган сўзларни санаш осонроққа ўхшайди.

Бир ўтириш охирилганда, меҳмонлардан бири меъзбонга шундай деган эди: “Жуда яхши ўтирдик. Ҳам хўрдани ичдик, ҳам бурдани урдик. Энди бизга жудо беринг”. Меъзбон бухоролик эди. Тожикчани яхши биларди. У қулиб қўйди-да: “Энди сизлар-га жавоб йўқ. Ишорани тушунадим. Олиб кетишингиз учун бирор нарсга тайёрлашим керак бўлади”, — деди. Сўнг хайрон бўлиб қолган меҳмонларга хўрдан ва бурдан нима эканини тушунтирди. Хўрдан — емоқ, бур-дан — олиб кетмоқ экан. Ҳам хўрдани, ҳам бурдани, яъни ҳам ейиш, ҳам олиб кетиш, деган ибора ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас меҳ-монга айтларкан.

Адаш дедим, адашдим. Биз кўп ада-шамиз. Тилимиз поёнсиз — ўрмон. Унинг сўқмоқлари кўп. Ҳар бир сўз бамисоли бир түп дарахт. Агар биз барчамиз ҳамжиҳат бўлиб уларнинг хусусиятларини ўргансак, асл макони қай замин эканини билиб, меҳр билан парвариш қилсак, бу ўрмон богу ча-манга, сўқмоқлар равон йўлга айланади. Тил гулшанида сайр этиш ҳам мароқли бў-лади. Лекин барибир... бу сайр сирлар ола-мига, мўъжизалар мамлакатига сайр бўлиб қолаверади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

қойиллатиб ўзимизникилар кўрадиган спек-такль ишлайлик. Аввал ўзимизникиларни театрга жалб қила билайлик, сўнг бу даргоҳга чет элликлар келиши ҳақида қайғуриш мум-кин” деб ўйладим ва театр томошасига кириб ўтирган хорижликларни ўзимча тасаввур қил-дим. Барибир ақлимга сизгама...

Икки соат чамаси давом этган “муҳока-ма”да ҳалиг каттаконнинг “ақли” гаплари асосий маёқ бўлди. Қолганлар ҳам ўз муло-ҳазалари равишини унинг фикрларига мослаб олганди.

Очиги, бу ерда айтилган гап-сўзларни ино-батга олсам, драма устиди нагр борса икки соат ишласам кинофа эди. Ҳаммаси жойига ту-шарди. Бу мен учун қийин ҳам эмас...

Хуллас, мажлис ниҳоятс кўриниб қолган пайтда ҳалиг каттакон бизга қарата: — Буни қачон тайёрлайсизлар? — деди. — Нимани? — Кинони? — Қайси кинони? — Мана шунди-да! Эй Худойим! Устимдан муздек сув ағда-рилгандай бўлди. — Бу киномас, драма! Биз киночи эмасмиз. Спектакль билан фильм бошқа-бошқа нарсас-да. Бу саҳнада қилинади. Театр саҳнасида. Театр бу... — Бу киномасми? — дея каттаконнинг ўзи ҳам бир оз ноқулай аҳволга тушди, бироқ бил-дирмасликка уринди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
36390 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет услуфдаги бошдан. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаххис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:10 Тошхирлиди — 23:35

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05